

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 362-ҳадис

362 - وَعَنْ عَمْرُو بْنِ شُعَيْبٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَيْسَ مِنَّا مَنْ لَمْ يَرَحِمْ صَغِيرَنَا، وَيَعْرِفْ شَرْفَ كَبِيرَنَا». حَدِيثٌ صَحِيفٌ رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالْتَّرمِذِيُّ، وَقَالَ التَّرمِذِيُّ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيفٌ.

وَفِي رِوَايَةِ أَبِي دَاوُدَ «حَقَّ كَبِيرَنَا».

362. Амр ибн Шуъайб оталаридан, оталари боболаридан қилган ривоятларида айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кичикларимизга раҳм қилмаганлар ва катталаримизнинг ҳаққини билмаганлар биздан эмас».

«Кичикларимизга раҳм-шафқат қилмаганлар ва катталаримизнинг шарафини билмаганлар биздан эмас», деб айтдилар.

Абу Довуд ва Термизий ривояти.

Абу Довуд ривоятида: «**кэтталаримизнинг шафи**» ўрнига «**кэтталаримизнинг ҳаққи**» бўлиб келган.

Шарҳ: Жамият аъзолари исломий одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилишни уддасидан чиқса, Ислом шариати бундай жамиятни тараққиёт чўққисига олиб чиқишига, мукаммал даражада ислоҳ қила олишига шубҳа йўқ. Зотан, Ислом тартиб-интизом қоидалари энг етук бўлган гўзал диндир. Мусулмончиликнинг ҳавасга арзигулик қоидаларидан бири бу - катталарнинг кичиклар устига фазилатли қилинганидир. Исломда ёши катталарни хурмат қилиш, иззат-икромини жойига қўйиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан суннат тарзида йўлга қўйилган тахсинга сазовор одоблардандир.

Ҳадис матнига диққат қиласы эканмиз қуйидагилар маълум бўлади: мусулмончиликда аввало катталар кичикларга меҳрли бўлиши лозим. Катта деганда ҳақиқий маънода ёши катталарни, шунингдек, мажозий маънода мансаби, рутбаси катталарни ҳам тушуниш мумкин. Қайси маънода бўлмасин, катталар кичикларга меҳрли бўлиши Исломда ўрнатилган тартиблардан бири экан.

Ҳадиснинг кейинги бандида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “кattalаримиз ҳаққини билмаганлар биздан эмас” - демоқдалар. Демак, Исломда катталарнинг кичиклар устида ҳаққи бор ва у ҳақни Аллоҳ белгилаган. Уни билиш, тан олиш ва риоясини қилиш эса кичикларга лозим. Бу ҳақни эътироф қилмаганларни Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “биздан эмас” демоқдалар.

Албатта, бу билан катталарни ҳурматини сақламаганларни Ислом доирасидан чиқариб ташлашга журъатимиз етмайди. Аммо ҳадисга кўра, катталарнинг катталиқ ҳаққини тан олмаганлар қиёмат куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзларига қарашга уялиб қолишлари аниқ.

Афсуски, охирги пайтларда, хоҳ том маънода ёши катта бўлсин, ёки мажозий маънода рутбаси катталар бўлсин катталарнинг ҳаққини тан олмайдиганлар жуда кўпайиб кетди. Улар шуни билишлари керакки, уларнинг бу қиликлари Исломдан эмас. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ундейларни “биздан эмас” деганлар.

Абу Умома ал-Боҳилий розияллоҳу анҳу ривоят қилган яна бир ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: “Кичикларимизга раҳм қилмаганлар, катталаримизни улуғламаганлар биздан эмас”. (Имом Бухорий ривояти).

Мўмин мусулмон киши, ўзидан ёши ё рутбаси катта бўлган ҳар қандай мўминни катталиқ ҳурматини жойига қўйиши чин мусулмонлик талаби, бунинг акси эса мусулмончиликка зид экан. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам, саҳобалар, тобеинлар ва қўйингки жамики салафи солиҳларимиз ҳамиша катталарнинг катталиқ ҳурматини сақлаб келишган. Ҳамонки, салафларга эргашибни даъво қиласы эканмиз, катталаримизни ҳурматини билайлик! Шунда Расулимиз алайҳиссаломнинг чин умматлари сафифа бўламиз.



NUBUVVAT MARVARIDLARI